

ISSN 2181-7324

ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

№ 1/6 ✪ 2015



*Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
йўналиши*

*Направление
социально-
гуманитарных
наук*

*Social-
humanitarian
sciences*



ВЕСТНИК НУУЗ ✪ АСТА NUUZ

ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУЗ

АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН

2015
1/6

Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми

Бош муҳаррир:

Ш.С. СИРОЖИДДИНОВ – фил.ф.д., проф.

Бош муҳаррир ўринбосари:

А.Х. ХАЙТБАЕВ – к.ф.н.

Таҳрир хайъати:

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Юнусова Х.Э. – т.ф.д.

Кобзева О.П. – т.ф.д.

Одилов А.А. – т.ф.н., доц.

Тўйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Нурматова М.А. – ф.ф.д.

Абдусамедов А.Э. – ф.ф.д., проф.

Қурбонов М. – п.ф.д., проф.

Мардонов Ш.Қ. – п.ф.д., проф.

Ғозиев Э.Ғ. – псих.ф.д.

Мўминов А.Г. – с.ф.д.

Ганиева М.Х. – соц.ф.д., проф.

Холманова З.Т. – фил.ф.д., проф.

Каримов Б.Н. – фил.ф.д., проф.

Менглиев Б.Р. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Халикова М.И. – фил.ф.н.

Маматова Ё.М. – фил.ф.д., проф.

Сиддикова И.А. – фил.ф.д., проф.

Маъсул котиб: **К. РИХСИЕВ**

ТОШКЕНТ – 2015

“ФАУСТ” НИНГ ЎЗБЕКЧА ТАРЖИМАЛАРИДА МИЛЛИЙЛИКНИ САКЛАШ МЕЪЁРИ

Улканов А.А. *

РЕЗЮМЕ

Мақолада немис халқининг буюк шоири И. В. Гётенинг “Фауст” асари ўзбекча таржималарида миллий ўзига хосликни қайта яратиш масаласи илмий таҳлил қилинади. Асарнинг билвосита ва бевосита таржималарида немисча хос сўзларнинг ўзбек тилига шерий аснода ўгириши усулларига муносабат билдиради. Тадқиқотчи томонидан ҳар икки ўзбекча таржимада миллий колоритнинг немисча аслигга муқобиллиги аниқланади.

Калит сўзлар: Эстетик туйғу, миллий бўёқли сўзлар, муқобил, архаик сўз, колорит, сўз маъносининг ўзгариши, бадиийликни сақлаш, миллий характер, идеал таржима, қиёсий таҳлил.

Маълумки, бадний асар барча ҳолларда ҳам дафъатан ўз китобхонларини топавермайди. Бу муайян вақт талаб қилади. Бироқ чинакам қизиқиш пайдо бўлиши учун асар оригинал образлар силсиласигагина эмас, балки пухта ишланган услубий системага ҳам алоқадор муайян фазилатларга, эстетик хис туйғу туғдириш қобилиятига эга бўлмоғи даркор [9. Ғ. Саломов].

Ўзбек тилида “Фауст”нинг икки таржимаси ўртасидаги оралик вақт йигирма йилдан ортиқ даврни ташкил этади. Ўзбекистонда ушбу асар ўз ўқувчиларни топиши бежиз эмас, албатта. Гарчи халқлар урф-одатларида, карашларида, руҳиятида фарқлар бўлиши билан бирга умуминсоний тафаккур, фикрлар, туйғулар яқинлиги мавжуд. Чунки “Фауст”да ўзбек аёлларидагидек ор-номус, ҳаё-ибо, ўзбек эркакларидагидек ғурур, ўзбек оналаридагидек меҳр юксак даражада улуғланади. Мана шундай руҳдаги “Фауст” трагедиясини илк бор Эркин Воҳидов аслига монанд бир тарзда қайта тиклади. Й. В. Гётенинг “Фауст” асари ўзбек китобхонлари орасида тез фурсатда қўлма-қўл бўлиб кетишида унинг хизмати беқиёс. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, Э. Воҳидов асарни асл нусха тилида эмас, балки унинг рус тилидаги Б. Пастернак таржимасидан муваффақиятли ўгиргани диққатга сазовор.

Миллий бўёқли сўзлар таржимаси масаласи таржима назариясининг муҳим муоммолари сирасига қиради. Бу муаммога бағишланган тадқиқотлар кўп бўлса-да, ҳали услубий аснодаги қиёсий таҳлилий ишлар етарли даражада эмас. Боз устига ҳар бир буюк асар таржимасида бу маъно ўзига хослик касб этади.

“Фауст” драмасининг “Дарвоза олдида” деб номланувчи қисмида Фауст шогирди Вагнерга шундай дейди:

Аслиятда:

Ja, wäre nur ein Zaubermantel mein!

Und trüg er mich in fremde Länder,

Mir sollt er um die köstlichsten Gewänder,

Nicht feil um einen Königsmantel sein. [10. 98-бет]

Пастернак таржимасида:

О, если б, плащ волшебный взяв,

Я б улетал куда угодно! –

Мне б царских мантий и держав

Милей был этот плащ походный. [2. 164-бет]

Э. Воҳидов таржимаси:

Қани, бўлса менда сеҳрли бир тўн,

Кийсаму юксалсам йироқ ва йироқ.

Жулдур бўлганда ҳам у тўн мен учун

Шоҳлар либосидан эди авлорок. [3. 62-бет]

П. А. Усмон таржимаси:

Қанийди бўлса тилсимга бой бир ридом,

Бегона эллар сари учардим шу дам!

Бўлсайди ўша бебаҳо либос шу тоб,

Бўлмасди унга қиёс шоҳона кимхоб. [1. 47-бет]

Аслиятдаги “Zaubermantel” сўзи қўшма от бўлиб, ўзбек тилида “Zauber” сеҳргарлик, жодугарлик; мафтун этиш, сеҳрлаш; сеҳр-жоду, “Mantel” пальто яъни, “сеҳрли палто” маъносини беради. Пастернак бу сўз таржимасини “плащ” тарзда ўгиради. “Плащ” сўзи “плаш; елкага ташланадиган енгсиз кенг кийим.” маъноларини ифодалайди [4. Русча-ўзбекча луғат]. Э. Воҳидов ушбу қўшма сўзни “сеҳрли бир тўн” деб таржима қилади. “Тўн” ўзбек халқининг миллий кийимларидан бири ҳисобланади. Натигада бу ерда ўзбек миллий хослиги ошқора тарзда акс этиб қолган. Шунинг учун тўн сўзи “Zaubermantel”нинг мутлоқ эквиваленти бўла олмайди. Бизнингча, тўн сўзи ўрнида сеҳрли либос сўзи қўлланилганда мақсадга мувофиқ бўлар эди. П. Усмон бу жумлани “тилсимга бой бир ридом” деб муқобил таржимани амалга оширади. “Ридо” сўзи архаик сўз ҳисобланиб, ўзбек тилининг изоҳли луғатида бу сўз “Шайхлар елкасига ёпинадиган чойшабсимон ёпинчик, либос; дарвишларнинг устки кийими” [7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати.] тарзида изоҳ берилган. Эскирган сўзларда ҳозир ҳам ўтмиш воқеалари тасвирига бағишланган асарлар яратишда ёхуд шундай асарларни таржима қилишда кенг фойдаланилади. Бироқ бунда ҳам меъёрини сақлаш лозим. П. А. Усмон у ерда “ридо” сўзидан ўз ўрнида фойдаланган.

* Улканов А.А. – НамДУ ўқитувчиси

Трагедиянинг “Тун” қисмида Фауст Рух билан суҳбати пайтида тўсатдан эпик тақкиллайди ва дейди:

Аслиятда:

O Tod! Ich kenn's – das ist mein Famulus –
Es wird mein schönstes Glück zunichte!
Daß diese Fülle der Gesichte
Der trockne Schleicher stören muß! [10. 81-бет]

Пастернак таржимасида:

Вот принесла нелегкая. В разгар
Видений этих дивных – мой подручный!
Всю прелесть чар рассеет этот скучный,
Несносный, ограниченный школяр! [2. 144-

бет]

Э.Воҳидов таржимаси:

Ана холос! Гоят бемаҳал ташриф!
Мен рух висолига бўлганда мушриф,
Кайфимни тарқатур бадқовок, ғалча,
Саёз кироатхон бу муллабачча. [1. 38-бет]

П.А.Усмон таржимаси:

Даҳшат! Бу ўша ношуд шогирд зот,
Азму ниятим бўлажак барбод!
Бу ҳардамҳаёл, риёкор банда
Халакит берса керак ҳар ҳолда! [1. 28-бет]

Аслиятда қўлланилган “Schleicher” сўзи рус тилига *проньра* деб таржима қилинади [5. С. Д. Романов] ўзбек тилига “*тадбиркор (уддабузон, чаққон) одам; довули, суллоҳ, олғир*” каби таржималарига эга [4. Русча-ўзбекча луғат]. Рус тилида Пастернак бу жумла таржимасини “*школяр*” гарзда ўтиради. “*Школяр*” сўзининг ўзбек тилида “*ўқувчи, мактаб бола; калтабин, қироатхон; болаларча фикр юритувчи*” деган таржималари мавжуд [4. Русча-ўзбекча луғат]. Э. Воҳидов бу сўзни “*муллабачча*” сўзи билан алмаштиради. “*Мулла*” сўзи ўзбек тилининг изоҳли луғатида қўйидагича изоҳланади: “1) *Ўрта шарқ, марказий Осиё мамлакатларида мадраса таълимини олган шахс; 2) дин арбоби, уламо; 3) маълумотли, ўқимшили киши*”. “*Муллабачча*” сўзи, “*мулланинг ўғли*” [6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати]. Бу ерда бир қараганда аслиятдаги “Schleicher” – “школяр” сўзи нотўғри таржима қилингандек туюлади. Сабаб шундаки, тил тараққиёти давомида сўзнинг маъноси ўзгариши, нуфузи ошиши ёки камайиши, маъноси кенгайиши ёки торайиши мумкин. Жумладан рус тилидаги “школяр” сўзини “муллабачча” деб берилиши асар таъсирига, оҳангига мос тушади, зеро „муллабачча“ сўзида бугунги кунда бир оз салбий маъно, кесатиқ мавжуд. Бинобарин, “школяр” айна шу маънода аслиятда қўлланилган. П. А. Усмон эса ушбу жумлани “*риёкор банда*” деб таржима қилган. “*Риёкор*” сўзи ўзбек тилининг изоҳли луғатида “*икки юзламачи, мунофиқларча иш қилувчи, мунофиқларча иш тутувчи одам*” тарзида изоҳланади. [Ўзбек тилининг изоҳли луғати]. “*Риёкор банда*” аслиятдаги сўз таржимаси билан

мутаносиб бўлсада, бадиийликка бир оз путур етган.

Асарнинг “Ўрмондаги ғор” қисмида Фауст Мефистофельга қарата айтган жумласидан бир мисол:

Аслиятда:

Verrüchter! Hebe ich von hinnen,
Und nenne nicht das Schöne Weib!
Bring die Begier zu ihrem süßen Leib
Nicht wieder vor die halb verrückten Sinnen! [10. 163-бет]

Пастернак таржимасида:

Сгинь, искуситель окаянный,
О ней ни слова, негодай,
И чувственного урагана,
Уснувшего, не пробуждай! [2. 266-бет]

Э.Воҳидов таржимаси:

Бас кил васвасангни, эй рухиллаъна,
У ҳақда бир оғиз сўз қота кўрма.
Базўр ором топган бўронни яна
Дардкаш юрагимда уйғота кўрма. [3. 187-бет]

П.А.Усмон таржимаси:

Йўқол кўзимдан, лаънати шайтонзот!
Ул мохитобон номин қилма такрор!
Шаҳвоний севги ҳиссин қилма ошқор,
Мажнунсифат бир киши олдида бод! [1. 142-бет]

“Nicht wieder vor die halb verrückten Sinnen!” Мисрадаги “*verrückte*” сўзининг ўзбек тилида *телба, ақлдан озган, жинни, девона* таржималари бор. “*Verrückt*” сўзи яна кўчма маънода *муқкасидан кетган* деган маънони ҳам беради. Бу ерда Фауст Маргаритага ошиқлигини ифодалаш учун ушбу сўзни қўллайди. П. Усмон томонидан бу жумлани “*Мажнунсифат бир киши*” тарзида ўзбек тилига ўтиради. Албатта, таржимон бу сўзни ўзбек китобхонларига тушуниши осонроқ бўлиши учун қўллаган. Лекин, *мажнунсифат* сўзи шарқ адабиётининг миллий характерини ифодалайди.

Бизнинг назаримизда бу сўзнинг ўрнига *севгига шайдо, севгига маст, шикпарааст, сармаст, савдои* сўзларидан фойдаланганда айна муддао бўларди. Таржимон Э. Воҳидов эса бу сўзни “*дардкаш юрагим*” тарзида ўзбек тилига ўтириб, аслиятдаги таржимага мослаштирган.

Й. В. Гётенинг “*Фауст*” асарида миллийликни ўзбек тилида муқобил акс эттириш борасида ўзбек таржимонлари Э. Воҳидов ва П. А. Усмон услубларида ўзига хос фарқ кўзга ташланади. Э. Воҳидов таржимасида бадиий бўёқлар тўқроқ, боз устига билвосита таржима бўлгани боис кўп ҳолларда ўзбекона миллий хос сўзлар кириб қолган. П. А. Усмон ўғли таржимаси эса бир қадар илмий таржима бўлгани боис “*Фауст*” даги миллий колоритга эга бўлган тушунчаларни сақлаб қолишга ҳаракат қилинган. Бироқ ҳар икки таржимада ҳам камчиликлар учрайди.

Бинобарин таниқли таржимашунос олим Ғ. Саломов таъкидлаганидек: “Даврлар ўтади, авлодлар алмашади. Аждодларнинг хизмати унутилмайди. Аммо таржима муоммоси қолаверади. Ҳали бирон-бир мамлакатда бирорта асарнинг “мутлоқ” мукамал таржимаси бунёд қилинмаган ва

бундай идеал таржиманинг бўлиши мумкин эмас. Камолотнинг чеки йўқ, дейдилар”. [Ғ. Саломов].

Таржима ҳам шундай. Бас шундай экан, ўзга тилга қилинган таржималар билан аслиятдаги таржималар ўртасида “қураш” давом этаверади.

АДАБИЁТЛАР

1. И. В. Гёте. Фауст (П. А. Усмон таржимаси). «Алишер Навоий». Тошкент - 2007 й. 47-28-142 бетлар.
2. И. В. Гёте. Фауст (Перевод Б. Пастернака). Издательство “Правда”. Москва, 1985. 164-38-266 бетлар.
3. И. В. Гёте. Фауст (Э. Вохидов таржимаси). : “Ғафур Ғулом” номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1985 й. 62-144-187 бетлар.
5. Русча-ўзбекча лугат. Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси. Тошкент – 1983. 64-254-742 бетлар.
6. С. Д. Романов. Большой современный немецко-русский русский-немецкий словарь. Издательство ОАО “Полиграфкнига” 03057. Киев. 2003 г. 302-бет.
7. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашрети, Тошкент-2007 й. 634-384 бет.
8. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Москва “Рус тили” нашрети. 1981 й. 624-бет.
9. Ғ. Саломов. Адабий анъана ва бадий таржима. Тошкент, 1982 й. 61-бет.
10. Ғ. Саломов. Таржима ташвишлари. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент-1983. 20-бет.
11. J. W. Goethe. Faust I und II Urfaust. Berlin und Weimar. 1980. 98-81-163 бетлар.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются проблемы перевода национального колорита в узбекских переводах романа «Фауст» великого немецкого поэта И.В.Гёте, сделанные Э. Вохидовом и П. Усмонем. Автор определяет особенности посредственного и непосредственного перевода. Автор также, сравнивает эквиваленты немецких реалий использованных в обоих переводах.

Ключевые слова: Эстетическое чувство, национальный колорит, эквивалент, колорит, изменение значения слова, сохранение художественности, национальный характер, идеальный перевод, сравнительный анализ.

RESUME

The problems of translation of national coloring and realias of the work “Faust” by J. W. Goethe in Uzbek translations are analyzed in this article. There were also given the attitude to German realias in Uzbek translations done by poetic form. The author compared the equivalent of German realias used in both translations done by E. Vohidov and P. Usmon.

Key words: national coloring, realias, equivalent, archaic words, coloring, the changing of word-meaning, Action, national character, ideal translation, comparative analyses.